

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 336.71(575.1)

БАЙМУРАТОВА МАДИНА ТУРСУНБОЙ ҚИЗИ

**КОРПОРАТИВ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БАНК
ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори(DSc),
профессор Избосаров Бобуржон Бахриддинович**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	КОРПОРАТИВ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1.	Банк хизматлари эволюцияси ва унинг назарий талқини.....	12
1.2.	Банк хизматлари бозори ва унинг тараққиёт анъаналари.....	33
1.3.	Банк хизматларини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	43
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	60
II БОБ	КОРПОРАТИВ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	62
2.1.	Корпоратив трансформация шароитида тижорат банкларининг банк хизматларини тавсифловчи кўрсаткичларининг статистик таҳлили.....	62
2.2.	Ўзбекистонда банк хизматларини кўрсатишнинг ҳозирги ҳолатининг эконометрик таҳлили.....	82
2.3.	Хорижий давлатларда банк хизматларини кўрсатишнинг самарали шакллари.....	91
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	98
III БОБ	КОРПОРАТИВ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	101
3.1.	Корпоратив трансформация жараёнида банк хизматларини ривожлантириш муаммолари.....	101
3.2.	Банк хизматларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	108
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	139
	ХУЛОСА.....	141
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	146
	ИЛОВАЛАР.....	156

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тижорат банклари ўз хизматларининг турларини кенгайтириш ва камровини ошириш билан бирга, уларнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, рақамли технологиялар асосида хизмат кўрсатиш тартибини такомиллаштириш орқали банklar ўртасида рақобатбардошликни кучайтириш долзарб масалага айланди. Масалан, АҚШдаги энг йирик молиявий институтлардан бири ҳисобланган “Bank of America” турли хизматлар йўналишлари – чакана ва корпоратив мижозлар билан ишлаш, инвестициялар ҳамда активларни бошқариш соҳаларида фаолият юритадиган, диверсификациялашган портфелга эга банк субъекти сифатида ажралиб туради. Ушбу банкнинг умумий активлари ҳозирда 3 трлн АҚШ долларида ошиб кетган¹. Жорий йилда ушбу банкнинг “...бозордаги капиталлашуви 355,6 млрд АҚШ доллари ёки олдинги йилга нисбатан 1/5 мартага...”², “...активлари 2022-2024 йиллар давомида барқарор ўсиб, 2024 йилда 2019 йилга нисбатан 1/3 мартага ошган”³. Мазкур “...банкнинг 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, фойдаси 28,3 млрд АҚШ доллари ёки олдинги йилга нисбатан ўсиши 1/4 мартани ташкил этиб, бу кўрсаткич 2030 йилда қарийб 37,8 млрд АҚШ доллари миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда...”⁴. Шу билан биргаликда корпоратив трансформация шароитида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари камровини кенгайтириш ва натижадорлигини ошириш зарурлиги намоён бўлмоқда.

Жаҳонда тижорат банклари трансформацияси жараёнида кўрсатилаётган хизматлардан олинадиган даромад ва сарфланадиган харажатлар нисбатида оптималликка эришишга оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк хизматлари бозорига ўз экотизимларини замонавий

¹Bank of America (BAC) Stock Forecast for 2025, 2026, 2027–2030 and Beyond. // <https://www.litefinance.org/blog/analysts-opinions/bac-stock-price-prediction/>.

²Яна ўша манбадан.

³Балансовые активы Bank of America Corporation. // <https://financemarket.ru/stocks/NYSE/BAC/reports/balance/>.

⁴Bank of America Прибыль 2025. // <https://eulerpool.com/ru/>.

технологияларга асосланган ҳолда янада такомиллаштириб бораётган “bigtech” ёки “techfin” (масалан, Amazon, Microsoft, Google, Alibaba, Tencent каби) компаниялари ва бошқа янги субъектлар жадал кириб келмоқда. Мазкур жараёнда инновацион хизматлар кўламини кенгайтириш орқали банкнинг баланс ҳажмига мос равишда ассортиментини кўпайтириш, юзага келиши мумкин бўлган рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, сифат стандартлари кесимида унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишларида самарали илмий тадқиқотлар олиб борилиши тақозо этилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банкларда корпоратив бошқарув тизими жорий этилиб, банк кенгашлари таркиби профессионал маҳаллий ва халқаро экспертлар иштирокида шакллантирилмоқда. Бу ҳолат эса, ҳар бир банкнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган трансформацияга йўналтирилган стратегиялари ишлаб чиқиши ва жорий этилишини тақозо қилмоқда. Банклар бу жараёнда капиталнинг мустаҳкам асосини яратиш, молиявий барқарорликни сақлаш, хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда уларнинг сифати юқори даражада бўлишини таъминловчи функционал инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Аммо шунга қарамасдан, “2025 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони 36 тани, шундан, капиталида давлат улуши мавжуд банклар - 9 тани, бошқа банклар - 27 тани ташкил этган...”⁵ бўлсада, давлат улуши мавжуд банкларнинг жами активлар, кредитлар, капиталдаги улуши бошқа банкларга нисбатан мос равишда 65/35; 69/31; 61/39 фоиз нисбатини ташкил этганлиги аниқланди. “...Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича ўз аравасини ўзи тортиши керак. Шундагина улар бозор шароитига мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади”⁶.

⁵Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида 2025 йил 1 январь ҳолатига маълумот.// <https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats/2122824/>.

⁶ Банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича вазифалар белгиланди. // <https://president.uz/uz/2961>.